

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва туризм вазирлиги
хузуридаги
Кинематография агентлигининг
20~~23~~ йил “4” май даги
49а-сон буйргуга

5-илова

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги хузуридаги
Кинематография агентлиги, унинг худудий бўлимларилари ва тизимидағи
ташкilotлар ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида
ўқитилишини ташкил қилиш бўйича

ЙЎРИҚНОМА

Ходимларнинг одоб—ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида
ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома ташкilotлар, уларнинг худудий
ва таркибий бўлинмалари ходимларининг одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши
курашиш масалалари бўйича ўқитилишини ташкил қилиш бўйича тавсия ва
қўлланмаларни белгилаб беради.

Ходимларнинг одоб ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида
ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг
“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конуни ва бошқа қонунчилик
хужжатлари талаблари ҳамда коррупцияга қарши кураш соҳасидаги халқаро
ташкilotлар тавсиялари ва илғор хорижий тажриба, жумладан ISO 37001:2016
“Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими – Талаблар ва уларни қўллашга
доир тавсиялар” халқаро стандарти талаблари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда
ишлаб чиқилган.

Ходимларнинг одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида
ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома коррупциявий хатти-
харакатларнинг олдини олиш ва уларни содир қилишга хизмат қиласиган
сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг хуқуқий онгини ошириш ва уларни
Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ташкilotнинг бошқа ички
хужжатларига катъий риоя қилиш руҳида тарбиялаш имконини беради.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги
хузуридаги Кинематография агентлиги, унинг худудий бўлимларилари ва
тизимидағи ташкilotлар (кейинги ўринларда Агентлик) ходимларининг этика ва
коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитилишини ташкил қилиш
бўйича тавсия ва қўлланмаларни белгилаб беради.

2. Ушбу Йўриқнома коррупциявий харакатларнинг олдини олиш ва уларни
садир қилишга хизмат қиласиган сабабларни бартараф этиш, ходимларнинг
хуқуқий онгини ошириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва
Агентликнинг бошқа ички хужжатларига катъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга
қаратилган.

3. Агентлик ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида
ўқитиш (кейинги ўринларда – Ўқитиш) дастурлари ва материаллари Ўзбекистон
Республикаси онунчилиги ва ушбу Йўриқномага мувофиқ ишлаб чиқилади.

2-боб. Ўқитишининг асосий тамойиллари

4. Агентлик ходимларини Ўқитиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

холислик ва илмийлик-этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларни тайёрлаш учун масъул шахслар уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, халқаро стандартлар ҳамда этика ва коррупцияга қарши курашиш назарияси ва амалиётига доир илмий тадқиқотлар натижаларига мувофиқлигини таъминлайди;

амалий жиҳатдан қулайлик-Агентлик ходимларини Ўқитиш шакллари, усуллари ва материаллари амалий аҳамиятга эга бўлиши, реал вазиятларга асосланиши, шунингдек ходимлар томонидан олинган билимларни тушуниш даражаси ва уларни аниқ амалий вазифаларни ҳал этишда қўллаш имкониятини назорат қилинишини ўз ичига олиши лозим;

кетма-кетлилик ва тизимлилик-этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материаллари, шунингдек Агентлик ходимларини ўқитиш тартиби изчил ва тузилмавий-мантиқий тизимни ифодалайди. Ўқитиш умумий тушунчалар ва воқеликлардан жузъийларига, оддийдан мураккабга, бошланғичдан мукаммалга ва ҳ.к ўтиш асосида амалга оширилади;

оммабоплик-Ўқитиш Агентлик ходимларининг жорий билимлари ва кўникмаларини ҳисобга олиш, Агентликнинг барча ходимлари учун тушунарли бўлган ўқув материаллирини шакллантириш;

дифферентсиаланган ёндашув-Агентликда коррупцияга қарши ўқитиш аниқ функциялар ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатар натижаларини ҳисобга олади.

Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимларни эгаллаб турган ходимлар коррупцияга қарши қўшимча равишда маҳсус ўқитилади; ўқитиш усуллари ва шаклларини доимий равишда такомиллаштириш –Агентлик ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек Агентлик ходимлари томонидан билимлар ўзлаштирилганини текшириш вақтида техник ва илмий тараққиётнинг инновацион ютуқларидан фойдаланишга ҳаракат қиласди.

3-боб. Ўқитишининг устувор вазифалари

5. Ўқитиш шакллари ва усулларини аниқлашда, шунингдек этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ўқув материалларини шакллантиришда Агентлик ходимларини этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитиш учун масъул шахслар қуйидаги устувор вазифаларга таяниши лозим:

коррупция моҳияти, унинг жамият ҳаётининг турли соҳалари, Агентликнинг функция ва тартиб-таомилларида пайдо бўлиш шакллари ва ўзига хос жиҳатлари, сабаблари, ижтимоий жиҳатдан хавфли ва заарли оқибатлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Агентликнинг Коррупцияга қарши кураш сиёсати билан белгиланган этика ва коррупцияга қарши хулқ-атворнинг ахлоқий қадрияtlари ва Агентликнинг бошқа ички ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя қилишга асосланган хулқ-атвор моделини шакллантириш;

Агентлик ходимларини Агентликда амал қилувчи коррупцияга қарши кураш тамойиллари, талаблари ва тартиб-таомиллари билан таништириш;

коррупциявий хавф-хатарларни келиб чиқишига хизмат қилувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш қобилиятини шакллантириш, коррупциявий хулқ-атвор, Агентликнинг этик хулқ-атвор қоидалари бузилишига нисбатан тоқатсизликни намоён этиш.

4-боб. Ўқитишни ишлаб чиқиш ва ўтказишга масъул шахслар

6. Агентликнинг инсон ресурсларини бошқариш хизмати Агентлик ходимларини Ўқитиш режаларини тайёрлаш, тегишли ўқув материалларини ишлаб чиқиш, ўқитиш, шунингдек Агентликда бундай ўқитишни мониторинг ва назорат қилиш учун масъулдир.

7. Агентликнинг Коррупцияга қарши курашиш комплаенси (кейинги ўринларда –комплаенси) Агентлик ходимларини Ўқитиш режаларини тайёрлашда иштирок этади, коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ўқув материалларни ишлаб чиқади, Ўқитиш ўтказилишини мувофиқлаштиради.

8. Агентликнинг Инсон ресурсларини бошқариш хизмати Ўқитиш интизоми ва унга доир ахборотлар йиғилишини назорат қилади.

9. Агентлик комплаенси ва Инсон ресурсларини бошқариш хизмат тажрибага эга халқаро ёки маҳаллий ташкилотлар билан тузилган шартномалар (Агентликда белгиланган тартибда) асосида ўқув материалларини тайёрлаш ҳамда ўқитишни амалга ошириш учун учинчи шахсларни жалб қилиши мумкин.

5-боб. Ўқитиш турлари ва шакллари

10. Ўқитиш қуйидаги ўқув дастурларини кўзда тутиши лозим:

барча ходимлар учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш;

Агентлик ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитиш;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши маҳсус ўқитиш;

Агентликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул бўлган ходимлар учун коррупцияга қарши маҳсус ўқитиш.

11. Умумий коррупцияга қарши ўқитиш ва Агентлик тизими ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитиш Агентликнинг барча ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

12. Агентликнинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши умумий ўқитиш амалий йўналтирилган бўлиши ва қуйидаги янги билимларга эга бўлиш ёки мавжуд билимларни тақрорлаш имкониятини яратиши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилиги, Агентликнинг коррупцияга қарши курашиш масалалари, жумладан ўрнатилган таъкиклар, чекловлар, хуқуқ ва мажбуриятлар, хизмат хулқ-атворига қўйилган талаблар, Агентлик ходимларининг коррупциявий ҳаракатлари аниқланганда ҳаракатлар кетма-кетлигига доир ички хужжатларини билиш;

коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга қарши бошқа талаблар соҳасидаги хуқуқни қўллаш амалиётига доир билимлар;

олинган билимларни қўллаш кўникмалари, жумладан Агентликнинг турли фаолият соҳаларидағи коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қобилияти, Агентликда ўрнатилган коррупцияга қарши кураш чораларини амалиётда қўллай билиш. Коррупцияга қарши умумий ўқитиш материалларига киритиш учун мазкур Йўрикномага 1-иловада келтирилган мавзулардан фойдаланиш тавсия этилади.

13. Агентлик ходимларининг этик хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиш Агентликнинг барча ходимлари учун амалий йўналтирилган бўлиши ва

Агентликда қабул қилинган этика тамойиллари ва қоидаларига доир янги билимларга эга бўлиш ёки бор билимлар тақрорланишини таъминлаши лозим.

14. Агентлик ходимлари умумий коррупцияга қарши ўқитиш ва Агентлик ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари натижалари бўйича ўрганилган материал қанчалик ўзлаштирилгани ва тушунилганлиги ҳамда олинган билим ва кўникумаларни амалиётда қўллаш имкониятини текширишга қаратилиган тест синовлари топшириши лозим.

15. Агентлик ходимлари саволларнинг камидаги 80 фоизига тўғри жавоб берган тақдирда коррупцияга қарши умумий ўқитиш ва Агентлик ходимларининг этик хулқ-атвори қоидаларини муваффақиятли ўзлаштирган ҳисобланади. Агар ходим саволларнинг 80 фоизидан камига тўғри жавоб берган бўлса, у тақорий тест синовларини тест топширган кундан бошлаб 5 иш куни ичида топшириши мумкин.

16. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун маҳсус коррупцияга қарши ўқитиш коррупцияга қарши умумий ўқитишдан мустақил (кўшимча) равишда ўтказилади.

17. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ шакллантирилади.

18. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши маҳсус ўқитиш қўйидагилар тўғрисидаги маълумотни ўз ичига олиши лозим:

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш усуслари;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомиллардаги коррупциянинг намоён бўлиш шакллари ва турлари;

учинчи шахслар билан ўзаро алоқа қилишда коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функция ва тартиб-таомилларга хос бўлган коррупцияга қарши талаблар;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган аниқ функцияларни амалга оширишда қўлланиладиган кўшимча талаб ва тартиб-таомилларни ўз ичига олуви чики хужжатлар.

19. Агентликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши маҳсус ўқитиш йилига камидаги бир марта малака ошириш шаклида (семинар, тренинг ва бошқа) коррупцияга қарши кураш соҳасидаги эксперталарни жалб қилиш, шунингдек бундай ўқитишларга ихтисослашган ваколатли учинчи шахслар (Агентликлар) томонидан ташкил этиладиган тренингларда иштирок этиш орқали ўтказилади.

20. Агентликда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ва ривожланиши учун масъул ходимларни коррупцияга қарши маҳсус ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилигидаги ўзгаришлар, коррупцияга қарши тизимларни шакллантириш ва давлат органларида коррупциянинг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш борасидаги илғор халқаро методикаларни ўрганишни ўз ичига олиши лозим.

21. Ушбу Йўриқноманинг 19 бандида кўрсатиб ўтилган малака ошириш ва тренинглардан ўтиш йилига камидаги 10 (үн) соатни ўз ичига олиши лозим.

6-боб. Ўқитиши муддатлари ва даврийлиги

22. Ўқитиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Агентликнинг ички хужжатларида кўзда тутилган мажбурий малака ошириш доирасида ўқитиши, учинчи шахслар билан қўшма конферентсиялар, йигилишлар, симпозиумлар ўтказилишидан қатъий назар амалга оширилади.

23. Агентлик ходимлари этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида йилига камида бир марта ўқитилади.

24. Агентлик ходимлари қуйидаги ҳолларда коррупцияга қарши курашиш бўйича йилига бир мартадан кўп ўқитилади:

ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб турган бўлса;

лавозимга тайинланганда ва ротатсия қилинганда, агар шахснинг янги лавозими коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатига кирса;

Агентликда коррупциявий ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолатлар аниқланганда ёки амалга оширилаётган функсия, тартиб-таомилнинг коррупциявий хавф-хатар даражаси ортганда;

Агентлик раҳбари қарорига мувофиқ.

25. Агентликга ишга қабул қилинган ёки янги лавозимга ўтказилган ходимлар ишга кирган ёки янги лавозимга ўтган вақтдан бошлаб 30 кун ичida коррупцияга қарши ва Агентлик ходимларининг этик хулқ-атвори қоидалари бўйича умумий ўқитилиши шарт.

Ўкув санасини белгилашда этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитишнинг тасдиқланган йиллик жадвали, гуруҳда бўш ўринлар борлиги (кундузги ўкув шакли учун) ва мазкур бобнинг 22-23 бандларида кўзда тутилган ўқитиши муддатлари ва даврийлигига амал қилиш зарурати ҳисобга олинади.

Кейинги коррупцияга қарши умумий ўқитиши ва Агентлик ходимларининг этик хулқ-атвор қоидалари бўйича умумий ўқитиши барча ходимлар учун кадрлар тузилмаси томонидан йилига бир мартадан кам бўлмаган даврийлиқда белгиланади.

26. Ходим коррупциявий хавф-хатарга энг кўп мойил бўлган лавозимни эгаллаб тургани билан боғлиқ ҳолатларда ёки ходим шундай лавозимга тайинланганда маҳсус коррупцияга қарши ўқитиши этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитишнинг йиллик жадвалида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

27. Кадрлар тузилмалари ҳар йили Ўқитиши жадвалини тузади ва 31 декабргача уни Агентлик раҳбарига тасдиқлаш учун тақдим этади. Ўқитиши жадвалини тузишда ходимлар томонидан олдинги ўқитиши муддатлари ҳисобга олинади. Ўқитиши жадвалида албатта ўқитиши курси номи, санаси, шунингдек ўқитиши тайинланган лавозимлар кўрсатилади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ кадрлар тузилмасининг масъул ходимлари ўқитиши бошланишидан 10 иш кун олдин ходимларни хабардор қиласи. Белгиланган муддатда ўқиши имконияти бўлмаса (кундузги ўкув шакли учун, масалан юқори мавсумий юклама, касаллик варақаси, режалаштирилган таътил сингари асосли сабаблар), ходим ўқиши бошланишидан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай ўқишини бошқа санага кўчириш мақсадида кадрлар тузилмасини огоҳлантириб қўйиши лозим.

7-боб. Ўқитиши интизомини назорат қилиш ва ҳужжатларни сақлаш

28. Инсон ресурсларини бошқариш хизмати Агентлик ходимларининг этика ва коррупцияга қарши кураш соҳасида ўқитишишига доир маълумотларни йигиб боради ва уларни ҳар чоракда Агентликнинг Коррупцияга қарши курашиш комплаенсига тақдим этади. Агентликнинг Коррупцияга қарши курашиш комплаенси олинган маълумотларни таҳлил қиласи (жумладан, ўқув интизоми, ходимлар учун қийинчилик туғдираётган мавзулар ва тест саволлари) ва таҳлил натижаларини коррупцияга қарши тизимнинг амал қилиши ва ривожланиши масалалари бўйича доимий ҳисоботларга киритилишини, шунингдек ўқув материаллари корректировка қилинишини (зарурат туғилганда) таъминлайди.

29. Ходим унга тайинланган ўқув ёки унинг натижалари бўйича тест синовларини белгиланган муддатларда ўтмаса, Инсон ресурсларини бошқариш хизмати бошлиғи бундай ходимнинг раҳбарини унга нисбатан тегишли қарор қабул қилиш мақсадида огоҳлантиради.

30. Ўқитиши жадвали, йўқлама варажалари, тест натижалари, ходим ўқиганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар Кадрлар тузилмасида сақланади.

8-боб. Якуний қоидалар

31. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Агентликнинг ички ҳужжатларидағи ўзгаришлар киритилганда, коррупцияга қарши ўқитишини ташкил этиш соҳасидаги илғор халқаро амалиёт ўзгарган тақдирда қайта кўриб чиқилади. Агентликнинг Коррупцияга қарши курашиш комплаенси мазкур Йўриқномага ўзгартириш киритиш учун жавобгар ҳисобланади.

32. Агентлик ходими эгаллаб турган лавозими, иш стажи, мавқеи ва бошқа омиллардан қатъий назар мазкур Йўриқноманинг тамойиллари ва талабларига риоя қилиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.